

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:347:316(575.1)

САГДУЛЛАЕВА ДИЛБАР ШУХРАТОВНА

**ЖАМИЯТ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ШАРОИТИДА ФУҚАРОЛАР
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

Ихтисослик: 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа

**фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

Диссертация Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Фалсафа” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

**фалсафа фанлари доктори
Туленова Гулмира Жандаровна**

Расмий оппонентлар:

**фалсафа фанлари доктори
Алиев Бекдавлат Алиевич**

**фалсафа фанлари доктори
Ҳайдаров Хуррам Фармонович**

Етакчи ташкилот:

**Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети**

Ҳимоя 201 йил “___” _____соат ___ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: **100095**, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Маданият саройи мажлислар зали.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Асосий кутубхонаси (Ахборот-ресурс маркази)да танишиш мумкин. Манзил: **100095**, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ Маъмурий биноси, 2 қават, 4-хона.

Автореферат 201 йил “___” _____да тарқатилди.

Тамғали муҳр билан тасдиқланган тақризларни Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш илмий котиби (Тошкент шаҳри, 100174, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети, 208-хона) га юборишингизни сўраймиз.

**Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби, фалсафа фанлари доктори**

Ш.О.Мадаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятига бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Зеро, ҳуқуқий маданият шахснинг сиёсий фаоллиги, демократик ислохотларга интилувчанлиги, чинакам фуқаровий муносабати, белгиланган мақсадларга тезроқ эришишининг муҳим шартларидан бири, “...демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг кўрсаткичидир”¹. У жамиятдаги турли хил ҳаётӣ жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоӣ гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосӣ талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлат ва демократик одил жамиятни барпо этиш жараёни омманинг нафақат сиёсий фаоллиги, уюшқоқлиги, ҳамжиҳатлигига, балки ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. “Қонун устуворлигини таъминлаш, - деб таъкидлайди Ислом Каримов, - шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш - бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади”².

Жамиятда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган демократлашув жараёнлари ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилаш вазифаси кишиларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий-ҳуқуқий савияси, маданиятини ва ижтимоӣ фаоллигини юксалтиришни талаб қилмоқда³.

Юқоридаги концептуал ғоялардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот мавзусининг долзарблигини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жамият ва давлатнинг ўзаро

¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) // Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябрь.- 3-бет.

²Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-Жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. -28-бет.

³Қаранг: Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон (Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи) // Халқ сўзи, 2010 йил, 1 сентябрь.

муносабатларида уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари, усулларини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”да белгиланган вазифаларни¹ рўёбга чиқаришнинг муваффақияти, бир томондан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишга, иккинчи томондан эса, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштириш билан боғлиқ муаммоларни ижтимоий-амалий жиҳатдан илмий асосда ўрганишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Иккинчидан, Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири – ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришга хизмат қиладиган демократик андозаларни жорий этиш бўйича кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилиши, суд соҳасида кадрларни танлаш ҳамда тасдиқлашнинг демократик ҳуқуқий механизмининг яратилиши, суд қарорларини ижро этиш бўйича етарли ваколатларга эга бўлган департамент фаолият кўрсатиши, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтлари жорий этилиши мамлакатимизда содир бўлаётган ҳуқуқий демократик янгиланишлардан далолат беради. Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролар ҳуқуқий онги, маданияти даражасига боғлиқ². Шу нуқтаи назардан бу борада мавжуд муаммоларни илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, Ўзбекистон тадрижий изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислохот ва ўзгаришлар тарафдоридир. Ушбу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Ижтимоий воқелик ҳодисалари шундан гувоҳлик берадики, аҳолини ҳуқуқий билимлар билан шунчаки қуроллантириш орқали ҳуқуқий онгни ўстириш жамият учун самарали акс таъсир кўрсатмайди. Бунда фуқароларда, аввало, мавжуд ҳуқуқ тизимига нисбатан ижобий муносабатни, ҳуқуққа – инсон ва жамият эркинлигининг асосини ташкил қилувчи унсур сифатидаги қарашни шакллантириш муҳимдир.

¹ Қаранг: Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 9(1257)-сон, 1997.

² Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) // Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябрь. - 2-бет.

Демократлашув шароитида амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларининг фаол иштирокчисига айланиши учун фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳамда такомиллаштириш лозим. Айнан демократия шароитида қонуннинг обрўси ўсиб боради ҳамда у ҳаётий заруратга айланади. Шунинг учун ҳам, демократик жараёнларнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири масалаларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, демократик ислохотларнинг инсонпарварлик характери биринчи навбатда кишилар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва амалда рўёбга чиқариш учун керакли бўлган барча шарт-шароитларни яратиш билан ўлчанади¹. Ҳуқуқий маданият ва саводхонлик миллат етуқлиги ва инсон баркамоллигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Фуқаролар қабул қилинган қонунлар, мавжуд ҳуқуқий мезонларни билмасдан туриб, маънавий-ахлоқий етуқликка эриша олмайдилар. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада такомиллаштириш механизмларининг фалсафий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш муҳим. Зеро, “фуқаролик жамиятининг асосий мақсади – миллати, дини, ирқи ва жинси, эътиқоди ва қарашларидан қатъий назар, шу давлатда яшаётган ҳар қайси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ва ҳаётда уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришдан иборатдир”².

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан асослаб берилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган³. Кишилар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда сиёсий партия, жамоат ташкилотлари, ОАВ ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий таълим, тарбиянинг турли шаклларида янада самарали фойдаланиш, фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг кўламларини кенгайтириш, самарадорлигини оширишда бевосита иштирок этадилар. Ушбу жараёнларнинг диалектик алоқадорлигини асослаш ҳамда ижтимоий-амалий жиҳатларини илмий асосда ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олтинчидан, жамиятда демократик тамойилларнинг тантанасига фуқаролик жамияти тузилмалари асосида кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш йўли билан эришиш мумкин. Демократик ислохотлар жадаллашуви аҳоли ҳуқуқий маданияти такомиллашувига етаклайдиган,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент:Маънавият,2008.-73-бет.

² Каримов И.А. Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир.-Тошкент:Ўзбекистон,2009. – 108- бет.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) // Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябрь.- 3-бет.

туртки вазифасини бажарадиган жараёндир. Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш шароитида фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини кучайтириш омилларини белгилаш, бу борада мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишнинг усул ва воситаларни ишлаб чиқиш муҳим.

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ҳуқуқий маданиятнинг жамият тараққиётига кўрсатадиган ижобий таъсири янада кенгроқ намоён бўлмоқда. Ҳуқуқни инсон ҳаёт фаолиятини ташкиллаштиришнинг зарурий бўғинига айлантириш, инсон ҳуқуқлари руҳида таълим ва тарбия беришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш, “жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чоратadbирлар дастурини ишлаб чиқиш”¹ бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. “Адолат - қонун устуворлигида” шиорини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни замон билан ҳамнафас равишда олиб бориш, ўз навбатида фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг такомиллашиб боришига кўмаклашади².

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кескинлашувининг натижаси сифатида кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз, у келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш мамлакат ҳуқуқ-тартибот тизими билан биргаликда инқирозга қарши чоралар дастурининг ижтимоий-ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш заруриятини тақозо этмоқда³.

Жамият ҳаётининг демократлашувида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш муаммоларини концептуал-назарий ва илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролар ҳуқуқий билими ва саводхонлигини шакллантириш масалалари нафақат ҳуқуқшунослар, балки социологлар, тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшуносларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Олимлар томонидан илгари сурилаётган ҳуқуқий давлатни шакллантириш концепцияларида фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, ушбу йўналишдаги замонавий тенденциялар таҳлил этилган.

Мустақиллик туфайли ҳуқуқий маданият муаммоси билан боғлиқ илмий изланишларни собиқ тузумнинг коммунистик мафкура ва ақидаларидан тўла халос этиш ҳамда илмий-фалсафий асосда ўрганиш имконияти юзага келди. Тадқиқ этилаётган муаммонинг методологик жиҳатлари мамлакатимизнинг

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) // Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябрь. - 3-бет.

² Каримов И.А. Ватанамиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш - олий саодатдир // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-Жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-102-бет.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.-31-бет.

етук олимлари И.Мўминов, Ж.Туленов, О.Файзуллаев, М.Хайруллаев, Э.Юсуповлар томонидан асослаб берилган.

Қадимги Шарқ ва Ғарбда ҳуқуқга оид қарашларнинг шаклланиши, ушбу ҳудудларда амал қилиб келган ҳуқуқ тизимлари ҳамда уларга мувофиқ ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиб бориши масалаларнинг алоҳида жиҳатлари Е.Абдуллаев, М.Абдуллаева, В.Алимасов, Т.Алимардонов, Ҳ.Бобоев, А.Жузжоний, С.Исҳоқов, Т.Махмудов, З.Муқимов, Ф.Муҳиддинова, К.Норматов, Р.Рўзиев, А.Саидов, Ж.Тошқулов, З.Ғофуров, С.Ҳасановлар каби олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятларини шакллантиришга хизмат қилувчи омилар, бу борада мавжуд муаммолар таҳлили Л.Васильев, В.Горбачев, О.Жидков, Н.Крашенникова, А.Лукиянов, В.Нерсисянц, А.Чанышев, Б.Рассел каби МДҲ олимлари ҳамда М.Абдуллаева, Б.Алиев, А.Жалолов, С.Мамашокиров, Ф.Мусаев, И.Саифназаров, Б.Тўйчиев, Х.Ҳайдаров, Н.Ҳакимов, Қ.Хоназаров, М.Шарифхўжаев, С.Шермухамедов, А.Қодиров, З.Қодирова каби Ўзбекистон олимлари томонидан ўрганилган.

Демократик тараққиёт, ислохот ва жараёнларнинг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий соҳаларига таъсири масалалари Ж.Бақши, Ян Дик Блаау, С.Вайт, М.Валзер, А.Герритс, Р.Глауб, С.Кумар, М.Кумминс, С.Трсецак, Е.Хейвууд каби хорижлик олимлар томонидан кенг ўрганилган.

Ҳуқуқий мафқуранинг янгиланиши жараёнида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, унинг моҳияти, ривожланиш қонуниятларининг таҳлилига оид кенг кўламдаги изланишлар У.Абдуғаниев, Э.Абзалов, В.Бетинин, Х.Зокиров, В.Иванов, З.Исламов, С.Касаткин, Р.Русинов, Р.Рябцев, В.Сальников, Т.Синюкова, У.Таджиханов, Р. Турдибоева, Э.Ҳалилов каби Ўзбекистонлик ва МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан олиб борилган.

Жамият ижтимоий ҳодисаларини ўрганишнинг янги фалсафий талқинини шакллантириш, ҳуқуқий онгни инсон маънавиятининг зарурий таркибий қисми сифатида ўрганиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш масалалари М.Ахмедова, А.Ачилдиев, Б.Валиев, С.Жўраев, И.Каримов, А.Мирзаев, Б.Мустафоев, С.Отамуратов, И.Эргашев, Ш.Ғойибназаров, И.Худойбердиевлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда фуқаролар ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларининг методологик муаммолари, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришнинг илмий-назарий муаммоларини тадқиқ этишга оид қатор илмий-тадқиқот ишлари С.Абдуҳолиқов, Ш.Билолхўжаева, М.Бойдадаев, А.Грошев, А.Гулипп, А.Ибраева, С.Касаткин, У.Ниткалиев, Ю.Махмудов, Р.Рябцев, Я.Турбова, Д.Узакова, С.Ходжаевлар томонидан олиб борилган¹.

¹ Барча иқтибослар диссертацияда келтирилган.

Айни пайтда ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш масалаларини бугунги даврнинг илмий-назарий қарашларидан келиб чиқиб тадқиқ этиш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият уйғунлашувининг детерминлашуви омилларини аниқлаш, ушбу жараённинг фуқаролар ҳаётий мўлжаллари, манфаатлари, фаоллашувига таъсири масалаларини ўрганиш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини либераллаштириш шароитида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият такомиллашувининг механизмларини тадқиқ этиш муаммолари етарли даражада фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилмаганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамиятни модернизациялаш ва демократлаштириш жараёнларининг устувор йўналишларига мос келади.

Тадқиқот Тошкент ахборот технологиялари университети “Фалсафа” кафедрасининг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш учун хизмат қилувчи жараёнларни ўрганишга доир илмий-тадқиқот дастурига мувофиқ амалга оширилган (ТАТУ Илмий Кенгашнинг 29.12.2006, (5(559)-сон баённома).

Тадқиқотнинг мақсади - жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш масалаларини концептуал-назарий ва илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккурида ҳуқуқий маданиятга доир қарашлар генезисини таҳлил қилиш;

-ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг замонавий концепцияларини тадқиқ этиш, уларнинг фан ва ижтимоий амалиёт ривожланишидаги умумфалсафий ва методологик аҳамиятини асослаб бериш;

-ҳуқуқий маданият такомиллашувининг назарий-методологик асосларини ўрганиш орқали ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият уйғунлашуви детерминантларини тадқиқ этиш;

-жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш механизмларини аниқлаш ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини белгилаб олиш;

-ҳуқуқий давлатда ҳуқуқий маданиятнинг ролини асослаш орқали ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг мотивларини аниқлаш;

-фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг белгиловчи ролини асослаб бериш;

-жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида фуқароар ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш учун замин бўлган ҳуқуқий маданиятни

такомиллаштириш масалалари **тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.** Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришнинг механизм, усул ва воситалари **тадқиқотнинг предмети**ни ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда фалсафий тафаккурнинг қиёслаш, умумлаштириш, диалектик, тизимли таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, социологик сўров каби илмий усулларига таянилди.

Тадқиқот фарази. Жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш муаммоларининг илмий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш, фикримизча, нафақат уларни концептуал-назарий жиҳатдан анлашга ва тадқиқ этишга, балки уларнинг инсонпарварлик самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамда илмий-назарий асосланган амалий таклифларни ишлаб чиқишга имконият яратади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккурида ҳуқуқий маданиятга доир қарашларни таҳлил этиш орқали улардаги аниқ ижтимоий манфаатлар ҳимоя қилиниши билан боғлиқ масалалар ва ижтимоий тизим ўртасидаги ўзаро диалектик алоқадорликни ўрганиш;

-ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг замонавий концепцияларини тадқиқ этиш, уларнинг фан ва ижтимоий амалиёт ривожланишидаги умумфалсафий ва методологик аҳамиятини асослаб бериш;

-жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида ҳуқуқий маданият уйғунлашуви детерминантларини, уни такомиллаштириш мотивлари, механизмларини аниқлаш ҳамда намоён бўлиш хусусиятларининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш;

-“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни рўёбга чиқариш шароитида аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда фуқаролик институтларининг белгиловчи ролини асослаб бериш;

-ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизлари асосида жамиятдаги ҳуқуқий маданият даражасини ўрганишга хизмат қиладиган сўровлар ўтказиш; ҳуқуқ, унинг ижтимоий кадри тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали аҳоли турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш ҳамда тегишли амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид қарашлар ва концепциялар таҳлил этилди, уларнинг фан ва ижтимоий амалиёт ривожланишидаги умумфалсафий ва методологик аҳамияти асослаб берилди;

-демократлашиб бораётган суд-ҳуқуқ тизимига мувофиқ ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш масалалари илмий-методологик, ижтимоий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилди;

-фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг такомиллашуви ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигининг ўсиб бориши ўртасидаги диалектик

алоқадорликнинг демократик жараёнларнинг жадаллашувига таъсири масалалари ўрганиб чиқилди;

-сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари демократлашувининг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш жараёнидаги роли асослаб берилди ҳамда таъсир этиш механизмлари аниқланди;

-жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш борасидаги муаммолар тадқиқ этилди ҳамда уларни бартараф этишга доир амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг **назарий аҳамияти** унда баён этилган мулоҳазалар, назарий хулосалар фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш масалаларини илмий-методологик, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этишга ўз ҳиссасини қўшади, улардан ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий масалаларни илмий тадқиқ этишда ҳамда фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ва такомиллаштиришга, ижтимоий фаоллигини оширишга доир илмий-амалий концепциялар ишлаб чиқишда самарали фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг **амалий аҳамияти** ундаги таклиф ва тавсиялардан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, сиёсий партиялар, улар қошидаги “Ёшлар қаноти”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, унинг қошидаги Ёшлар марказлари, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассасалар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари бошқа фуқаролик институтлари фаолиятида, оммавий ахборот воситалари тизимида, хусусан, аналитик телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда баён қилинган хулосаларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида тадқиқотчи, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2008-2009 йилларда “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий эътиқоди, маънавияти, ижтимоий йўналишлари” (2009 йил, апрель-июнь - “Ёшлар - ҳуқуқ ва сиёсат” “G” блоки), “Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа” мавзуларида ўтказилган социологик тадқиқотларда бевосита иштирок этган*.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациядаги концептуал ғоялар ва назарий хулосалар тадқиқотчи томонидан ўқув жараёнида, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”; “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти борпо этиш – устувор мақсадимиз”; “Юксак маънавият - енгилмас

* Тадқиқотлар Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилган. Ҳар бир сўровда 1100 респондент иштирок этган.

куч” номли махсус курсларни ўқитишда жорий этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳуқуқий-маърифий дастурлари доирасида олиб бориладиган тадбирларда кенг фойдаланилмоқда.

Диссертациянинг синовдан ўтиши. Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети “Фалсафа” кафедрасининг илмий-назарий семинарда (2009 йил 14 декабр, 17-сон баённома), Д 067.02.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий-назарий семинарида (2010 йил 7 октябр, 7-сон баённома) муҳокама қилинган ҳамда ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг умумий ҳажми 3 босма табакдан ортиқ, жумладан, 8 та журнал, илмий тўпламларда эълон қилинган жами 14 тани ташкил этувчи нашрларида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация **ҳажми 154 бет.** У “Кириш”, учта боб, тўққизта параграф, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” ва “Илова”лардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг ***Кириш*** қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги, ишланганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, методлари, фарази, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби ***“Ҳуқуқий маданият тушунчасининг ретроспектив асослари”***, деб номланган. Унинг ***“Шарқ фалсафасида ҳуқуқий маданиятга доир қарашлар генезиси”*** номли биринчи қисмида қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон ҳамда Хитойдаги ҳуқуқий маданиятга оид дастлабки қарашлар таҳлил этилган.

Тадқиқотда кишилар ҳаётини тартибга солишга доир фикрлар дастлаб афсонавий ва диний дунёқараш шаклига эга бўлганлиги, аниқ ижтимоий-сиёсий қарашларга ўтиш даврига келиб, жамиятни бир бутун мураккаб тузилма сифатида қамраган Хаммурапи (мил.авв.ХҮІІІ аср), Ману қонунлари (мил.авв.ІІ аср), унинг ижтимоий таркибини мулкӣ, оилавий, жиноят ва жазо муносабатларини қатъий белгиланиши асосида мустаҳкамлаганлиги асосланади.

Дастлабки давлатларнинг қарор топиши, сиёсий институт даражасида мавжуд бўлиши муқаррар равишда жамиятни итоатда сақлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этарди. Чунки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожини жамият синфий таркиби ўзгаришига ва у билан боғлиқ бўлган турли сиёсий-ҳуқуқий тузилмалар шаклланишига олиб келди. Бу масалада Шарқда деярли кескин ўзгаришлар сезилмади. Илгаридан мавжуд ўзига хос ҳаёт тарзи ва уни тартибга солиш механизмлари бўлмиш

анъаналар, урф-одатлар, ахлоқ ибтидоий жамоа эҳтиёжларини акс эттирса-да, аммо ўз ўрнини бошқа тартибга солиш воситаларига бўшатиб бермади. Шарқ халқлари, хусусан ҳуқуқий онгида ҳам, ахлоқий меъёрлар билан одат ҳуқуқининг ўзаро қоришуви сақланиб қолган эди.

Қадимги Хитойда биринчи “маданий инқилоб” (мил.авв.213й.) юзага келишига сабаб бўлган легистлар мактабининг вакиллари Шан Ян (эр.авв.390-338й.), Хан Фэй-цзи (эр.авв.288-233й.) ахлоқий мажбурлашдан тўлиқлигича воз кечиб, ҳуқуқий мажбурлаш ва жазога таяндилар. Улар фикрича қонун ҳамма учун, оддий халққа ҳам, катта мансабдорга ҳам бирдай тенг бўлиши керак¹. Легистлар ҳуқуқий маданиятида қонуннинг маънавий асоси эътиборга олинмаган бўлсада, ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётган жамият учун “қонун олдида барчанинг баробарлиги” ғоясининг ўртага қўйилишининг ўзи муҳим эди.

Тадқиқотда Шарқ мутафаккирлари ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Синоларнинг ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият масалаларига оид қарашлари алоҳида таҳлил этилган. Улар фикрича, инсон фақат жамиятдагина ўз инсоний имкониятларини рўёбга чиқариши мумкин, давлатнинг ташкил топиши эса кишиларнинг табиий эҳтиёжи бўлиб ҳисобланади. Жамиятда мавжуд меҳнат тақсимоти асосидагина ҳар бир инсон ўз камолоти учун зарур бўлган манбалар билан таъминланиши мумкин. Кишилар ўртасидаги муносабатлар ўзаро келишув, шартнома ва албатта муайян қонун-қоидаларни талаб қилади. Ҳар бир даврда жамият бошқаруви барча учун баробар бўлган қонун-қоидалар воситасида амалга оширилиши зарур. Аъзолари учун умумий қонунлар қарор топган мамлакатда адолатсизлик бўлиши мумкин эмас.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида жамият аъзоларининг тенглиги, барчанинг қонун олдида баробарлиги ғоясининг ҳимоя қилинганлиги, адолатсизлик, зўравонлик, жоҳиллик қораланганлиги ҳуқуқий давлат ва демократия тамойилларининг ўзига хос ифодаси бўлиб ҳисобланади. Ал-Киндий, Ибн Рушд, Умар Хайём, Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Фуркат, Аваз Ўтар асарларида теократик ҳокимият таъсирида ҳуқуқий онгда ислом қонунчилиги ва маҳаллий урф-одатлар устунлик қилган бўлса, XIX аср Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори каби маърифатпарварларнинг асарларида инсон эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқларига дунёвий билим, умумбашарий демократик қадриятлар ва Европа индивидуалистик маданияти таъсирида ёндашувлар шаклланди.

Шарқ фалсафасида ҳуқуқий онгга оид фикрларда қонун ҳуқуқий муносабатларга, суд масалаларига бўлган қарашларнинг назарий ифодаси сифатида ўрин олган бўлиб, ҳуқуқ давлатдан ташқари бўлиши мумкин эмаслиги ғояси асосланган. Давлат идоралари ҳуқуқий меъёр ва қоидаларни белгиловчи, ўзгартирувчи, мажбурловчи чораларни қўллаш йўли билан

¹История философии.-Ростов на Дону: Феникс,2000.- с.32.

²Чанышев А.Н. Курс лекций по древней философии.-М.:Высшая школа,1981. – с.138

уларнинг бажарилишини таъминлайди. Давлат ҳуқуқий меъёрларни икки усул билан, яъни ўзига зарур бўлган турмуш қоидаларини белгилаш ёки уларни тасдиқлаш йўли билан яратади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида **“Ғарб фалсафасида ҳуқуқий маданиятга доир қарашлар таҳлили”** ўрин олган. Ғарбда ҳуқуқий онгнинг етуклик ва мукаммаллик даражасига кўтарилиши осонлик билан кечмаганлиги, антик давр файласуфларининг хизматлари туфайли ҳуқуққа фалсафий нуқтаи-назардан ёндашув шаклланганлиги асослаб берилган.

Тадқиқотда ҳуқуқ тафаккур ва адолатга таянган, қонун ижодкорлигининг демократик тизими мустаҳкамланган Афина ва Римда фуқароларни қонунга ҳурмат, унга эътиқод даражасида тарбиялашга катта эътибор қаратилганлиги қайд этилган. Гераклит одат ҳуқуқига эмас, балки ёзма ҳуқуққа амал қилиб яшашни тарғиб этган, унингча “халқ, қонун учун ўз кўрғони учун курашгандек курашмоғи лозим”¹. Демокрит эса, қонунни давлатни тартибга солувчи куч, одамларга яшашга кўмаклашувчи восита, сунъий ҳосила сифатида тушунган. Агар одамлар бир-бирларининг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмаганларида эди, қонун ҳеч кимга унинг ўзи хоҳлаганча яшашга ҳалакит қилмаган бўлар эди, зеро ҳасад хусумад, зиддиятга замин ҳозирлайди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ҳурфикрлик, ўз навбатида ижтимоий онг барча шакллариининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Сукрот фикрича, қонунийлик адолатлиликнинг кўрсаткичидир, адолат ва ҳар қандай эзгулик билимдан ташкил топган, эзгулик воситасида амалга ошириладиган ҳар қандай нарса эса маънавий гўзалликдир². Афлотун ҳуқуқ ва адолатни ўзига хос тарзда тушунган. “Ҳар кимнинг ўз иши билан банд бўлиши,- деб ёзади у, - адолатдир”³. “Қаерда қонунлар кучга эга бўлмаса ёки кимнингдир ҳукми остида бўлса, ўша жойда давлат ҳалокатга яқин деб биламан. Қаерда қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон, ҳукмдорлар қонунлар қули бўлса, ўша жойда давлат равақ топади”⁴.

Арасту ҳар қандай ҳуқуқни сиёсий ҳодиса сифатида сиёсий ҳуқуқ деб таърифлайди. Унингча, ҳуқуқ табиий ёки ижобий бўладими - у сиёсий характерга эгадир, яъни қонун ҳукмронлик қилмаган жойда сиёсий тузум йўқдир. Бу эса, унинг қарашларида ҳар қандай қонунни ҳам сиёсий ҳодиса сифатида баҳолаш имконини беради. “Ҳуқуқ эса, ўзида сиёсий адолатни мужассамлагандир. Унинг вазифаси умум фаровонликка хизмат қилишдир”⁵. Арасту учун “қонун олий ҳокимият”дир, унга барча сўзсиз итоат этиши зарур. Бундан келиб чиқиб, у қуйидаги фикрга келади: “ҳуқуққа зид бошқарув қонуннинг иши бўлмаганидек, зўравонлик билан бошқариш, албатта, ҳуқуқ ғоясига ҳам зиддир”⁶. Чунки энг яхши ҳукмдорлар ҳам ҳис-туйғу ва эҳтиросга

¹Чанышев А.Н. Курс лекций по древней философии.-М.:Высшая школа,1981. – с.138.

² Нерсисянц В.С.Философия права.-М.:Норма-Инфра,1999.- с. 408-409.

³ Ўша асар, 409-410-бетлар.

⁴ Ғарб фалсафаси.-Тошкент: Шарқ,2004.-108-бет.

⁵ Кечекьян С.В. Учение Аристотеля о государстве и праве.-М.,Л.:АН СССР,1947. –с.90.

⁶ История политических и правовых учений.-М.:Норма-Инфра,1997. - с.63.

мойилдирлар, фақат қонунгина “босиқ ақлдир”¹. Шунингдек, Ғарбда ҳуқуқнинг улкан ижобий аҳамиятини ҳисобга олмаган давлат мустаҳкам, барқарор ва ишончли бўла олмаслиги ҳақида билдирилган фикрлар таҳлил этилган.

Уйғониш даврига келиб ҳуқуқий маданият инсон кадр-қиммати, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тенгсизликка эркинлик ва ҳуқуқ тенглигини қарши қўйиш каби қарашларда ўз ифодасини топган бўлса, кейинчалик ҳуқуқий давлатнинг изчил ва яхлит концепцияси асосчилари Ж.Локк, И.Кант, В.Гумбольд, Г.Еллинек, К.Шмидт, К.Велькер, Роберт Фон Мольларнинг қарашларида давлатнинг ўзи ҳуқуқий қонун қоидаларга амал қилиши ва бунинг ижтимоий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларидан ҳам талаб қилиши шартлиги эътироф этилган.

Ҳуқуқий давлат ҳақидаги қарашлар либералистлар Джон Стюарт Милль, Бенжамен Констан, Алексис де Токвиль таълимотларида эркинлик, демократиянинг ҳам назарий, ҳам амалий таҳлил этилиши билан ривожлантирилди.

Демак, қадимги юнон фалсафасида эркинлик – фуқароларнинг олий ҳокимиятни жамоа бўлиб бошқариш ҳамда давлат ишларида бевосита иштирок этиш имконияти, индивиднинг ҳокимиятга тўла бўйсунганини қамраб олган бўлса, либералистлар наздида, эркинлик - шахсий мустақиллик, ҳафсизлик, давлат бошқарувига таъсир этиш ҳуқуқидир. Ҳуқуқнинг ўзи жамият фикрини назорат қилувчи, сўз эркинлигини, шахсий эркинликни қафолатловчи давлат ҳокимияти институтлари билан бир қатордаги тартибга солувчидир. Демократия эркинлик ва тенгликнинг ўзаро иттифоқи туфайлигина мавжуд бўлиши мумкинлигига урғу берган либералистлар фикрича, тенгликни улуғлаш эркинликни сиқиб чиқариб, ҳаётда истибдодни юзага келтиради. Истибдод бошқаруви эса, ўз навбатида, тенгликни маъносидан маҳрум этади. Тенглик бўлмаган жойда эркинлик ҳам узок яшамайди.

Тадқиқотнинг **“Замонавий фалсафада ҳуқуқий маданият масалаларининг таҳлили”**, деб номланган қисмида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият тушунчаларининг моҳиятини ифодаловчи замонавий фалсафий талқинлар, қарашлар, нуқтаи-назарлар таҳлили ўрин олган. Жумладан, Х.Одилқориев, Ш.Ғойибназаров, Э.Халилов, И.Каримовлар асарларида ҳуқуқий онг, маданият ижтимоий онг шаклларида бири сифатида тадқиқ этилган. Ҳуқуқий онг – ҳуқуқни англаш, жамиятда мавжуд ҳуқуққа берилган баҳо бўлиб, у амалдаги ҳуқуққа танқидий муносабатни акс эттиради ҳамда ҳуқуқ соҳасига, ундаги ўзгаришларга нисбатан маълум эҳтиёжларни ифода этади. У ижтимоий онг ҳолатининг янги босқичи ҳамдир. Ҳуқуқий онг ҳаётни ижтимоий муносабатларда иштирок этаётган кишиларнинг ҳуқуқлари ва

¹ История политических и правовых учений.-М.:Норма-Инфра,1997. - с.63.

мажбуриятлари нуктаи назаридан акс эттириб, ақл-заковат, одоб, ахлоқий баҳоларга таянади¹.

Россия олимларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга оид қарашларида ҳуқуқий онг “ижтимоий онг шаклларида бири” ёки “ҳуқуқий воқеликни акс эттирувчи маънавий онг соҳаси” сифатида талқин этилади ҳамда хилма-хил омиллари асосида ўрганилади².

Айрим адабиётларда ҳуқуқий маданиятнинг - ҳуқуқий тафаккур, юридик техника (услугият) ва ҳуқуқий тажрибанинг мужассамлиги, бошқаларида эса — аҳоли ҳуқуқий муносабатлари соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга молик ижодий фаолият шаклларида бири сифатида баҳоланиши ҳамда ҳуқуқ меъёрлари институтларида ва мазкур ҳодисаларни баҳолаш қобилятида ўз ифодасини топишига урғу берилиб, унинг таркибий қисмларини асосланади³.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида барқарор ривожланиш йўлига кирган, мустаҳкам қонунчилик тизими шаклланган жамиятлардагина ҳуқуқий онг даражаси жамият ҳуқуқий маданияти билан белгиланиши, аҳолининг эҳтиёж ва манфаатлари эса, қонун ижодкорлиги олдига янги талабларни қўйиши асосланган. Тадқиқотчи фикрича, аҳоли ҳуқуқий эҳтиёжининг кенгайиб бориши, ўз навбатида, мамлакат ҳуқуқ тизимининг ҳам назарий, ҳам амалий такомиллашиб боришини тақозо этади. Демак, жамият ҳуқуқий ҳолати даражасини акс эттирувчи шахс ҳуқуқий маданияти унинг муҳим негизини ташкил этиб, ҳуқуқий тараққиётини таъминлайди.

Айрим олимлар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида талқин этадилар. Улар фикрича, ҳуқуқий онг - ҳуқуқ ва қонунийликка муносабатдаги эътиқодлар, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимидир.

Бошқалар эса, ҳуқуқий тараққиётни маданий борлиқнинг биргина элементи-хўжалик маданиятидан қидириш иқтисодий материализмга, ёки уни фақат маънавиятга боғлаб қўйиш субъективизмга олиб келишини таъкидлаб, жамият ривожланишининг (хусусан, ҳуқуқий камолот) мезони сифатида маданий борлиқнинг сифат даражасини кўрсатадилар. Яъни, маданий борлиқ юзага келиши ва амал қилишининг асосий вазифаси англаingan эҳтиёжларни

¹Қаранг:Одилқориев Х., Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият: назарий-қийёсий тадқиқот.-Тошкент:ЎзР ИИВ Академияси,2004,-166-бет; Ҳалилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни (“Ҳуқуқий онг ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуққа, ҳам уларнинг ўзлари истаган ҳуқуққа муносабатини ифода этадиган тасаввур ва ҳис-туйғуларнинг мужассамидир”)-Тошкент:Ўзбекистон,1997,12-бет.; Каримов И. Фалсафадан ваъз матнлари (“Ҳуқуқий онг ҳуқуқий муносабатлар, нормалар ва органлар, ташкилотларнинг моҳияти, вазифаларига қонунлар, суд, прокуратура муассасалари ва ҳ.к. ҳуқуқий қарашлар, назариялар ва ҳис-туйғуларнинг мажмуидир”)-Тошкент:Камалак,1995.-234-235-бетлар.

² Қаранг: Лазарев В.В., Липень С.В. Правовое сознание // Теория государства и права.-М.:Спарк,2000; Гранат Л.Н. Правосознание и правовая культура(Ҳуқуқий онг — кишиларнинг бутун юридик воқеликка нисбатан қарашлари, ғоялари, нуктаи-назарлари, ҳис-туйғуларининг йиғиндисини ифодаловчи ижтимоий онг шаклларида биридикр)//Юрист.-Москва,1998.-№11/12.- С.2-8.

³ Қаранг: Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-Жилд.-Тошкент:ЎзР ИИВ Академияси, 1998; Одилқориев Х., Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият: назарий-қийёсий тадқиқот.-Тошкент:ЎзР ИИВ Академияси, 2004.

қондириб боришидир. Эҳтиёж ва ўзлаштириш ўртасидаги мувофиқликнинг бузилиши, яъни ўзлаштиришнинг эҳтиёжларни қондира олмаслиги ёки янги-янги эҳтиёжларнинг юзага келиши маданий борлиқнинг ўзгариб, ривожланиб боришига олиб келади. Маданий борлиқ кўламининг кенгайиб бориши эса, жамият тараққиёти, ижтимоий, жумладан ҳуқуқий ривожланишга сабаб бўлади.

Диссертант фикрича, ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий онг ҳуқуқий ғоялар, тасаввурлар, назариялар мажмуи сифатида фуқаролар ҳуқ-атворида, амалий фаолиятига мафкуравий таъсир кўрсатади. Кенг ва фаол ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб давлат ва ҳуқуқий воқеалар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, қайфиятлар тизимидир. Ҳуқуқий маданият эса, инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш ва амалиётда қўллаш даражасидир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ҳуқуқий маданият такомиллашувининг назарий-методологик асослари”** деб номланган. Ушбу бобнинг **“Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият уйғунлашувининг детерминантлари”** номли биринчи қисмида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, таркибий тузилиши, уйғунлашуви омиллари ўрганилди.

Тадқиқотда ҳуқуқий маданият даражасига кўтарилган ҳуқуқий онг ҳар бир фуқаронинг қонунлар билан белгиланган бошқалар олдидаги бурчи ва маъсулиятини англаши эканлиги асосланган. Ҳуқуқий онгга одамларнинг фақат амалдаги ҳуқуққа бўлган муносабати сифатида қараш ҳам нотўғри эканлиги қайд этилган, чунки бу ҳолатда ҳуқуқий онгнинг мазмунини олдиндан аниқлаб берувчи моддий, маънавий муаммолар доираси чеклаб қўйилишига урғу берилган. Инсон дунёқараши, эътиқодининг мазмуни ва даражаси ҳам ҳуқуқий онг шаклланишига таъсир этади. Бу эса, ҳуқуқий онг унсурлари, ҳуқуқ меъёрлари инсон онгида ҳали тўла акс этмаган ҳолатда ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини англатади.

Тадқиқотда ҳуқуқий онг мафкуравий ва руҳий унсурларни бирлаштирган мураккаб тузилма сифатида ўрганилган, ҳамда унинг таркибий тузилишига нисбатан юзага келган талқинлар таҳлил этилган. Бунда одамнинг ҳуқуққа, қонунга муносабати ҳуқуқий кўрсатмаларга амал қилиши ёки уларни бузиши, яъни ҳуқуқни тан олиши ёки инкор этиши ҳуқуқий руҳиятдан келиб чиқишига урғу берилади. Ҳуқуқий онгнинг руҳий таркиби ҳуқуқ шаклланишида ва унинг амалиётида демократик қайта ўзгаришлар тараққиётига олиб келувчи кучли омил, ёки ислохотлар йўлидаги ғов бўлиши асосланади. Ҳуқуқий онгнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш жараёнларининг муваффақиятли кечиши кўп жиҳатдан халқимиз менталитетининг ўзига хослигига боғлиқ эканлиги таҳлил этилади.

Социологик сўровлар фуқароларда ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ фойдаланишдан кўра қонунларни бузмасликка

интилиш мойиллиги устунлигини кўрсатди. “Сизнинг асосий мажбуриятларингиз нималардан иборат?” деган саволга сўралганларнинг 27,7% - Ватанга хизмат қилиб, уни ҳимоя қилиш; 15,2% - қонунларни бузмаслик; 10,2% - ўқиш, деб жавоб берган. Демак, фуқароларда қонунга сўзсиз итоат этиш кўникмаси ундан амалий фойдаланиб, фаол фаолият юритишдан кўра кўпроқ ривожланган. “Сизнинг асосий ҳуқуқларингиз нималардан иборат?” деган саволга респондентларнинг 43,8% - таълим олиш, 9,7% - эркин яшаш, 24,3% - соғлиқни сақлаш тизими хизматидан фойдаланиш, 10,3% - дам олиш, 10,2% - сўз эркинлиги каби ҳуқуқларини кўрсатиб ўтиш билангина чекландилар¹. Бироқ, фуқароларнинг ЎзР Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган бошқа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлар ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмади.

Тадқиқотчи фикрича, ҳуқуқий онг жамият ҳуқуқий воқелиги ривожининг инсон тафаккуридаги инъикоси бўлиб, инсон хулқ-атворининг ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлигини англатувчи, шахснинг қонунга бўлган муносабатини белгиловчи қарашлар тизими, ҳуқуқни ҳаётга тадбиқ этишининг маънавий асосини ифодаловчи ижтимоий онг шаклидир.

Тадқиқотда кўрсатилишича, жамият ҳуқуқий маданияти қуйидагилардан ташкил топган: биринчидан, юридик нормалар тизими бўлмиш - ҳуқуқдан; иккинчидан, ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизимидан; учинчидан, ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш билан шуғулланувчи давлат ва жамият институтлари, яъни юридик муассасалардан; тўртинчидан, ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий борлиқнинг инсон маънавиятига сингишини таъминловчи маърифий-тарбиявий ишлар тизимидан; бешинчидан, ҳуқуқий хатти-ҳаракатлардан.

Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий онгнинг юқори босқичи бўлиб шахс умумий маданиятининг таркибий қисми ҳамдир. Шу маънода у, жамият ва инсонни тавсифловчи барча ҳуқуқий жиҳатларни, масалаларни ўз ичига олади. Ақл-заковат, одоб, ахлоқий баҳоларга таянадиган ҳуқуқий онгнинг ва ундан сифат жиҳатидан юқорироқ даражани ифодаловчи ҳуқуқий маданиятнинг вазифалари ҳам ўзаро узвий диалектик уйғунликдадир. Улардан бири жамиятнинг маънавий муҳитига, кишилар ҳаёт дастурларига ғоявий-ҳуқуқий таъсир кўрсатса, иккинчиси эса биринчининг мантиқий давоми сифатида имкониятни воқеликка айланишида намоён бўлади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият диалектик бирлигини ўрганиш шуни

¹ Келтирилган социологик сўровлар натижалари ЎзР “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий эътиқоди, маънавияти, ижтимоий йўналишлари” мавзусида 2009 йил, апрель-июнь ойларида ўтказилган тадқиқотнинг “Ёшлар - ҳуқуқ ва сиёсат” “G” блоки материаллари асосида тайёрланди (тадқиқотда муаллиф ҳам иштирок этган). Мазкур тадқиқотда жами 1100 респондент иштирок этган. Тадқиқот Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида олиб борилди.

кўрсатдики, *биринчидан*, ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий онг жамият тараққиётига, ижтимоий турмуш ривожланишига мафкуравий ва руҳий таъсир этади. Ҳуқуқий онг кишиларга маълум тарзда ўзларини идора қилишга, жамият қабул қилган қонун ва қоидалар доирасида фаолият кўрсатишга ундайди; *иккинчидан*, ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у энг аввало одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодлардан, уларнинг ҳуқуқ, қонунга тасаввурларидан, интилишларидан иборат; *учинчидан*, ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданият ўртасида узвий диалектик боғлиқлик бор. Ҳуқуқий онгдаги ўзгаришлар ҳуқуқий маданиятда ўз ифодасини топади. Такомиллашиб бораётган ҳуқуқий онг муайян шароитда ҳуқуқий маданият мазмун-моҳиятини ўзгартириб боради; *тўртинчидан*, ҳуқуқий маданият ҳар бир инсонга, фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш ва ҳимоя қилишга кўмаклашади; *бешинчидан*, ҳуқуқий маданияти ўсган халқ, миллат ўзини-ўзи англаб етади, кучи ва имкониятларига ҳолисона баҳо беради, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчиликка асосланиб иш тутиш энг катта ижтимоий офат ва фожеаларнинг сабаби эканлигини чуқурроқ идрок этади; *олтинчидан*, фуқаро ҳуқуқий онги ва билимининг ривожланганлик даражаси уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига бевосита боғлиқдир; *еттинчидан*, ҳуқуқий маданият жамият мавжудлиги, инсоният цивилизацион тараққиёти босқичлари даражасини акс эттириб синергетик тарзда шаклланади.

Ушбу бобнинг **“Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг мотивлари”** деб номланган иккинчи қисмида фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга туртки берувчи заминлар ўрганилди. Тадқиқотда, ҳуқуқий онгнинг даражаси унинг манбаи бўлган ҳуқуқий эҳтиёж ва уни ўзлаштириш ҳолатига боғлиқ эканлиги асосланади. Ҳуқуқий эҳтиёж – ҳуқуқий борлиқнинг анланган ички мотиви, кўзгатувчиси, инсоннинг ҳуқуқийлашуви, фаоллиги манбаидир. Инсоннинг ҳуқуқий эҳтиёжи унинг қонуний мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга бўлган талаб сифатида юзага келади. Ҳар қандай ҳуқуқий эҳтиёж ҳуқуқий манфаат асосида юзага келади, яъни буларнинг иккаласи ҳам бир бири учун детерминантлик ролини ўтайди. Ҳуқуқий манфаат ҳуқуқий эҳтиёжни қондириш учун эҳтиёж субъектини объектга томон йўналтиради, ҳуқуқий манфаат ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш ва қўллашда намоён бўлади. Тадқиқотчи фикрича, ҳуқуқий манфаат - ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини англаш даражаси билан боғлиқ.

Тадқиқотда ҳуқуқий эҳтиёжлар ҳуқуқий борлиқка ишлов бериш, яъни ҳуқуқий фаолият орқали қондирилади. Ўз навбатида, ҳуқуқий фаолият даражаси ҳуқуқий эҳтиёжни қондириш воситаларини кўрсаткичи анланган ҳуқуқий манфаатдан келиб чиқади. Ҳуқуқий манфаат фаолиятнинг ўзига хос йўналишини, восита ва шакллари, мақсадни келтириб чиқаради.

Ҳукуқий фаолият ҳукуқий муносабатларга таъсир этишнинг турли шакллари тақозо этиб, ҳукуқий ҳаётни ташкил этишнинг воситалари, натижа ва жараёнини қамраб олади. Ҳукуқий фаолият ҳам жараён сифатида яратувчилик, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги унинг натижаларини амалиётда қўллаш каби босқичларидан иборатдир.

Ҳукуқий онг ва ҳукуқий маданиятнинг такомиллашуви ҳукуқий борлик ривожининг табиий-тарихий асосидан келиб чиқиб, унинг ўзи маданий борлик диалектикасини инъикос эттиради. Тадқиқотда ҳукуқий борлик тараққиёти нафақат ҳукуқий эҳтиёж, манфаат ва уларни қондириш воситаларигагина эмас, балки ҳукуқий эҳтиёж табиатини белгилаб берувчи инсоннинг умумий маънавий даражасига ҳам боғлиқ эканлиги асосланди.

Ҳукуқий эътиқод инсон дунёқарашининг энг барқарор унсури бўлиб, инсоннинг ҳукуқий ҳаётдаги нуктаи назари, турмуш тарзининг мазмуни ушбу компонентнинг мустақамлигига, барқарорлигига боғлиқ. Диссертант фикрича, ҳукуқий эътиқод ҳуқуқ субъектининг ҳукуқий билими, ҳукуқий дунёқараши асосида унда амалдаги ҳукуқий воқеликка нисбатан қарор топадиган муносабати ҳамда ўзлаштирилган ҳукуқий билимларни ўз хатти-ҳаракатига тадбиқ этиб, хоҳиш-ирода билан уни бошқариш қобилиятидир.

Ҳукуқий онг ҳукуқий мақсад, ҳукуқий бурч, ҳукуқий маъсулият каби англанилган маънавий омилларга таянади. Тадқиқотчи фикрича, ҳукуқий мақсад объектив ва субъектив омиллар таъсирида жамият ҳар бир аъзосида унинг ҳаётий дастури, йўналганлиги, мойиллиги асосида намоён бўлувчи, уни ҳукуқий борлиққа олиб кирувчи манбадир. Агар ҳукуқий бурч инсон томонидан мантиқан англанса, унга амал қилиш виждонга айланади. Виждон инсоннинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қилиш ҳукуқий бурчни адо этишни талаб қилиш ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бериш қобилиятини ифодалайди. Виждоннинг моҳияти ижтимоий муҳит билан белгиланади.

Тадқиқотда фуқароларда ҳуқуққа мувофиқ ҳуқ-атвор бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий онг, ҳам ҳукуқий онг орқалигина таъминланиши мумкинлиги асосланган. Ҳуқуқ ҳеч қачон ахлоқдан холи, ундан алоҳида ҳолда шаклланмайди. Аксинча, тартибга солишда ахлоқнинг таъсири кенг ва самаралидир.

Ушбу бобнинг учинчи қисми **“Ҳукуқий давлатда ҳукуқий маданиятнинг ўрни”**, деб номланган бўлиб, унда такомиллашган ҳукуқий онг ва маданият ҳукуқий демократик давлат фуқаролик жамиятини барпо этишнинг омиллари сифатида ўрганилган. Ҳукуқий давлат - аҳоли турли катламлари манфаатларини ифодаловчи ва ҳуқуққа бўйсунувчи, шахс ҳуқуқ ва эркинликларни мустақамловчи ижтимоий бошқарув шакли сифатида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда ҳамма учун қафолатланган ҳамда адолатпарварликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг эркинлигини ҳам таъминлайди.

Диссертацияда жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлиги тамойилининг изчил амал қилиши билан боғлиқлиги асосланган. Маънавий борлиқнинг кўрсаткичи бўлган такомиллашган ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ўз навбатида, ҳуқуқий давлат мавжудлигининг муҳим омили, шартидир. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунга сўзсиз итоат қилиш ҳуқуқий давлатнинг хусусиятидир. Ҳуқуқий давлат фуқаролар ҳуқуқий онги, саводхонлиги, маданиятини шакллантириш, таракқий эттириш ҳамда такомиллаштириш йўли билан барпо этилади.

Ҳуқуқий маданият - ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида - жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. “Ҳуқуқий маданият даражаси, - дейди И.Каримов, - фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У – қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У – одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир”¹. Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий билим ва савияси, онги ва маданияти қанчалик юксак бўлса, демократик ҳуқуқий давлат шунчалик кучли бўлади, мустақиллигимиз асослари мустаҳкамланиб, барқарорлашиб боради. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, халқ оммаси қонун-қоидалар ва ҳуқуқий меъёрларга катта ишонч, ихлос билан муносабатда бўлишга, иймон-эътиқодларига амал қилишга одатланмаса ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб ҳам, қуриб ҳам бўлмайди.

Диссертант фикрича, ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий борлиғи қуйидагиларда намоён бўлади: **биринчидан**, қонунчилик мафкура таъсирига тушмаслиги ва унга бўйсунмаслиги билан ажралиб туради; **иккинчидан**, фуқароларнинг ирки, жинси, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳокимият институтлари учун қонуннинг устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлайди; **учинчидан**, қонунлар адолатли амалга ошиши учун барча шарт-шароитларни яратади, бу борадаги ишлар устидан қаттиқ назорат ўрнатади; **тўртинчидан**, қонунларни қабул қилиш ва амалга оширишни назорат қилувчи ташкилотлар тизимини ҳам янгидан барпо этади. Тадқиқотда ҳуқуқий тарбия ва юридик таълимга ҳуқуқий ривожланишнинг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим омиллари сифатида қаралди. Ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг турли воситалари бунда муҳим аҳамиятга эга. “Сиз, қайси йўл билан ўз ҳуқуқий саводхонлигингизни юксалтиришни хоҳлайсиз?” деган саволга сўралган ёшларнинг 54,1% и - ЎзР Конституциясини, 34,3% и - Фуқаролик кодексини, 24,7% и - Жиноят кодексини, 12,7% и - Меҳнат кодексини ўрганиш, 24,0 % и - юридик таълим олиш орқали деб жавоб берган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “**Жамият демократлашуви шароитида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг усул ва воситалари**”, деб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3–Жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -29-бет.

номланган. Ушбу бобнинг **“Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда сиёсий партияларнинг роли”**, деб номланган биринчи қисмида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантирмай туриб, демократик тараққиётга эришиб бўлмаслиги, демократиянинг мустаҳкамланиб бориши эса, жамиятда фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришни шартловчи замин эканлиги асосланган.

Жамият ҳаётини демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнларининг муваффақияти нафақат фуқаролар ижтимоий-сиёсий балки ҳуқуқий саводхонлиги даражасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ¹. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қонунчилик ислоҳоти, суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви, парламентаризм амалиёти фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва янада юксалтириш заруратини кўрсатмоқда.

Диссертацияда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли асосланди ҳамда уларнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришдаги қуйидаги устувор вазифалари аниқланди. **Биринчидан**, ҳуқуқий давлатда сиёсий партиялар давлат Конституцияси ва қонунларининг устунлигини сўзсиз тан олгани ҳолда, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини тўла рўёбга чиқаришни ўз зиммасига олган муҳим сиёсий институт бўлиб хизмат қилади. **Иккинчидан**, сиёсий партиялар қонун устуворлигини таъминлаш, қабул қилинган қонунларга, умумэтироф этилган демократик қадриятларга риоя этилишига, шу жумладан, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча бўғинларида уларнинг сўзсиз бажарилишига эришишга хизмат қиладиган тизимни яратади. **Учинчидан**, сиёсий партиялар суд-ҳуқуқ тизимини халқаро миқёсда умумэтироф этилган демократик андозалар даражасига кўтариш, фаолиятининг жамоатчилик назоратида бўлишига эриша олади. **Тўртинчидан**, сиёсий партиялар фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мунтазам такомиллаштириб боради. **Бешинчидан**, сиёсий партиялар аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий билимларини ошириш, улардаги ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш, қонун лойиҳалари муҳокамасида ва инсон ҳуқуқлари мониторингини амалга оширишда фаол иштирок этади.

Диссертациянинг **“Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрни”**, деб номланган иккинчи қисмида фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш жараёнида ННТнинг роли тадқиқ этилган.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) // Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябрь.- 4-бет.

Демократия шароитида ННТ фаолияти кўламини кенгайтиришдан мақсад – жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш, бу жараёнда демократик кадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги асосланган.

ННТнинг кенг қулоқ ёйиши нафақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлиги ортишига, балки давлат ва фуқаро орасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида барқарор алоқалар тизими шаклланишига олиб келади. Жамиятда ННТ қанчалик фаоллашса, “ҳокимият - жамоатчилик -халқ”, ўзини ўзи бошқариш тизими тобора такомиллашади, мустаҳкамланади ҳамда бу жараёнда фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

Тадқиқотчи фикрича, Ўзбекистон шароитида ижтимоий воқеликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда ННТ ва жамоат ташкилотларининг таъсири сезиларли даражада самара бериши учун:

1)инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва уларни таъминлаш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш; 2)суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш жараёнларининг самарадорлигини ошириш; 3)фуқароларда ўз-ўзини англаш жараёнлари чуқурлашувига, уларда миллий онг, миллий ғурурни камол топтириш; 4)шахс ҳуқуқий маданиятининг маънавий асоси бўлмиш эркинлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ижтимоий тенгликни ривожлантириш; 5)сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш эркинлигига риоя қилиш кафолатига эга бўлган мустақил оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш; 6)фуқаролар ижтимоий фаоллиги йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиб, уларнинг бунёдкорлиги ва ғайратидан фойдаланган ҳолда қуйидан йўналган ташаббусни қўллаб-қувватлаш лозим.

Тадқиқотчи фикрича, ННТ фуқароларнинг қонунга итоаткорлиги, унга ҳурматда бўлишининг оммалашувига ҳамда мавжуд ҳуқуқ меъёрларидан ўз манфаатлари йўлида фойдалана олиш кўникмаси, амалиётда қўллаш маҳоратини такомиллаштириб боришига туртки беради. ННТнинг ушбу йўналишдаги ишларининг фаоллашуви жамиятда демократик тамойилларнинг қарор топтириш ва уларга амал қилиши, фуқаролар фаоллиги, ҳуқуқий маданиятининг такомиллашувига омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқотда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишдаги ўрни тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг учинчи қисми **“Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг роли”**, деб номланган. Тадқиқотда глобаллашув ва ахборот асрида ОАВнинг фуқаролар фаоллашувига, аҳоли ҳуқуқий маданияти такомиллашувига таъсири тобора кучайиб бораётганлиги қайд этилган. Тадқиқотчи фикрича, ОАВ ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига холис баҳо бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, улар устидан ижтимоий назоратни ўрнатишга имкон яратади.

ОАВ фуқаролар ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилиб, уларнинг ҳуқуқий онги такомиллашувига турли воситалар билан самарали таъсир кўрсата олади.

Тадқиқотда ОАВнинг давлат бошқаруви органлари фаолиятига таъсир кўрсатиши, улар устидан ижтимоий назоратни ўрнатиши ва бу жараёнда халқ манфаатини қонун воситасида ҳимоя қилувчи куч сифатида намоён бўлиши жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланган. Шунингдек, ОАВнинг аҳоли ҳуқуқий маданияти такомиллашувига таъсирини кенгайтиришнинг қатор устувор йўналишлари кўрсатилади: **биринчидан**, жамиятда мавжуд муаммоларни омма орасида кенг муҳокама этилишига эришиш. Жамиятда ижтимоий назоратнинг кучайишига замин бўлувчи бу омил фуқаронинг муайян масала юзасидан эркин фикр билдиришига, яъни ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданият даражаси ўсиб боришига таъсир кўрсатади; **иккинчидан**, ҳуқуқни ижро этилиши амалиётини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояланишини таъминлаш. Бунда давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамоатчилик назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим; **учинчидан**, жиноятчилик билан курашиш ва унинг олдини олишни ташкил этиш, қонунийликни таъминлаш борасида жамоат ташкилотлари билан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенг кўламда ёритиш; **тўртинчидан**, ОАВ фаолиятида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, фуқаролар онгида демократик кадриятларни шакллантиришга катта эътибор бериш; **бешинчидан**, бугунги кунда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг ютуқ ва муаммоларини ОАВ орқали кенг кўламда ёритиш. Бу, ўз навбатида халқнинг давлат сиёсати билан яқиндан танишиш имкониятларини кенгайтириб, жамоатчилик фикри шаклланишига олиб келади. Зеро, фуқаролик жамиятининг ўзи жамоатчилик фикрининг давлат сиёсатига таъсирида намоён бўлади; **олтинчидан**, миллий мафкурамиз учун асос бўлувчи ўзбек халқи миллий давлатчилигининг тарихий тажрибасини ва ундан ижодий фойдаланиш имкониятларини ёритиш ҳам аҳоли ҳуқуқий маданияти такомиллашувида ижобий натижаларни беради.

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёни **биринчидан, сиёсий институтларни мафкурадан халос этиш**, фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигини назарда тутувчи ижтимоий тизимни барпо этишни кўзлайди. Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг даражаси демократик ислохотлар интенсивлигига мувофиқ келиши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий модернизация жараёнининг ўзига хослиги миллий менталитет, мамлакатнинг демографик ҳолатини ҳисобга оладиган ҳамда янги тамойилларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга асосланган ижтимоий моделини яратишдан иборатдир. Халқимизга хос бўлган илм-маърифатга, ижтимоий адолатга,

қонунийликка, сиёсий масалаларда ахлоқий ва маънавий қоидаларга риоя қилишга интилувчанлиги демократик институтлар фаолиятининг асосий қоидасига айланиши керак.

Учинчидан, жамиятда демократик ислохотларни амалга ошириш учун маълум **ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар** вужудга келиши лозим. Ўзбекистонда демократик тараққиёт кетма-кет, босқичма-босқич, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини изчил юксалтириш, йўли билан амалга оширилмоқда. Ушбу янгича концептуал асослар иқтисодий трансформация, даврнинг муқаррар қийинчилақларининг оқибатларини юмшатишга имкон берди.

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий модернизация жараёнларини янада жадаллаштиришнинг устувор йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат бошқаруви ва қурилиши соҳасидаги демократик трансформация жараёнларини чуқурлаштириш; давлат қурилиши ва бошқарувини демократлаштириш; давлат ҳокимияти органларининг принципиал янги тизимини яратиш ва амалда жорий этиш; фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш ҳамда фаоллигини ошириш; фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада такомиллаштириш.

Диссертациянинг **Хулоса** қисмида жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш, мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий ишларни таҳлил қилиш, социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш борасида олиб борилаётган илмий-назарий ва амалий ишларни тадқиқ қилишга оид қуйидаги **назарий хулосалар** ишлаб чиқилган:

1. Илмий таҳлилнинг **концептуал-назарий ёндашуви** шунини кўрсатдики, ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлиб, унинг шаклланиши узок давом этган, мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Ҳуқуқий маданият эса тарихан аста-секин шаклланган ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлатлар фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланган.

2. Қўйилган муаммога **илмий-методологик ёндашув** ҳуқуқий маданият такомиллашуви масаласини, янада кенгроқ тадқиқ этишга имкон берди. Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг ўзаги, негизи асосини ташкил этади. Ҳуқуқий маданият моддий, маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва бошқа мафкуравий омиллар асосида шаклланади ва ривожланиб боради.

3. Ҳуқуқий маданият фуқаролар маънавий-ахлоқий етуқлигини кўрсатувчи меъёрдир. Ҳуқуқий маданият даражаси нафақат қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлиш, балки қонунга риоя қилиш, бўйсунуш ва амалиётда қўллаш билан белгиланади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятдан келиб чиқади. Ҳуқуқий онг кишиларнинг ҳуқуқга, қонунга, одил судловга бўлган муносабатини ифодаладиган қарашлар, эътиқодлар, уларнинг ҳуқуқ

ҳақидаги тасаввурлари интилиш ва туйғулари йиғиндисидир.

4. Ҳуқуқий маданият такомиллашуви муаммосига **ижтимоий-амалий ёндашув** мазкур ҳодиса жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатлари, фаоллигига таъсирини ўрганишга имкон берди. Ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий меъёрлар кишиларнинг онги ва турмушига сингган, амалий фаолиятларида қўлланила бошлаган тақдирдагина ҳуқуқий маданиятга айланади. Ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданият ҳар бир инсонга ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишга, уни ҳимоя қилишга кўмаклашади. Ҳуқуқий саводхонлик кишининг фақат шахсий, миллий манфаатлар қобиғида ўралиб қолишидан сақлайди. Жамият ҳаётини демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнлари халқ ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Демократлашув жараёнлари фуқаролар ҳуқуқий билими ва саводхонлигини янада юксалтириш, такомиллаштиришни тақозо этади.

5. Демократик ислохотлар фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг такомиллашувига, ўз навбатида, такомиллашган ҳуқуқий маданият демократик жараёнлар жадаллашувига олиб келади. Ушбу жараёнлар узвий диалектик бирликдадир. Сиёсий партиялар, ННТ, ОАВ каби фуқаролик жамияти институтлари кишилар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш механизмлари бўлиб, уларнинг асосий вазифаси демократик қадриятлар ва тамойилларни, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. ННТнинг муҳим белгиси давлат ва жамият ишларини бошқаришга фуқароларнинг кенгроқ қисмини жалб қилишдан иборат экан, бунга эришиш жараёнида - энг аввало, ушбу ташкилотларга муайян мақсад асосида уюшган фуқаролар ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти доимий такомиллашиб боришини тақозо этади.

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият феноменларининг назарий жиҳатларини ўрганиш, фикримизча, нафақат мазкур соҳада бўлиб ўтаётган диалектик жараёнларни таҳлил этишга, балки илмий-назарий асосланган амалий таклифларни ишлаб чиқишга имконият яратди.

1. Демократлашув жараёнлари аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва такомиллаштириш, ҳуқуқий таълим-тарбияни кучайтириш тақозо этади. Ушбу йўналишда қуйидагиларни амалга ошириш муҳим:

- давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради;

- аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш; ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

-ҳуқуқий тарбия таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга ошириш;

-ҳуқуқий фанларни ўқитишга ихтисослашган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омиллар эътиборга олинган ҳолда аниқлаш;

-аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга хизмат қиладиган адабиётларни тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

-таълим-тарбия муассасаларига дахлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқаларнинг) ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш. Бу ишга давлат юридик ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳуқуқшунослар ва бошқаларни жалб қилиш.

2.Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш шароитларида фуқаролар ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг янги воситалари ва усуллари жорий этиш лозим. Бу мақсадда:

-фуқаролар билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар савиясини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва ўқув юртларининг кадрлар билан етарли таъминланишига эришиш;

-мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Улар қонунларни қатъий ижро этишга, ҳуқуқнинг сўзсиз амал қилишини таъминлаш, ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга масъулдир.

3.Ҳуқуқий билимларни давлат идораларигина эмас, балки сиёсий партиялар, ННТ, жамоат бирлашмалари томонидан ҳам оммалаштириш жамиятда ҳуқуқий маданиятни таомиллаштиришнинг янги шакллари жумласига киради. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданият даражаси жамоат бирлашмалари, жамғармалар, иттифоқлар, уюшмалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг кенг тармоғи мавжудлиги ҳамда бу демократик тузилмаларнинг муайян шахс ва жамиятнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги ижтимоий фаоллиги билан белгиланади.

Фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида янада самарали фойдаланишлари, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга катта ҳисса қўшишлари лозим.

Жамоат бирлашмалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масалалар, пенсия таъминоти, никоҳ-оила муносабатлари бўйича қонунлар тўпламларини нашр этишга, юридик маълумотномалар, шунингдек турли касбдаги ходимларга мўлжалланган илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар чиқаришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ҳуқуқий тарбиянинг умумийлиги ва ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги тамойилини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллаларнинг ролини янада ошириш, уларнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга бевосита ҳамда муттасил таъсирини кўрсатиш.

4. ОАВ ҳуқуқий билимларни оммага изчил тарқатишлари, аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим. ОАВ ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институт бўлгани учун ҳам унинг бу борадаги фаолиятини кучайтириш зарур. Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида аҳоли ҳуқуқий маданиятининг такомиллашуви динамикасини кузатиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ОАВ ҳуқуқий мавзуларга эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган юридик масалаларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш зарур.

5. Халқни ҳуқуқий маърифатли қилишда профессионал юристлар ва уларнинг бирлашмалари муносиб ўрин эгаллашлари лозим. Демократик жамият юқори малакали ҳуқуқшуносларга эҳтиёж сезади. Уларнинг касбий фазилатлари ва билимларидан фойдаланиш жамиятнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятига улкан ижобий таъсир кўрсатишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шунингдек юристларнинг касбга доир манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Хидоятова Д. Ҳуқуқий маданият ва мерос // Мулоқот, 2000, 2-сон.-Б.48.
2. Хидоятова Д. Ҳуқуқий онг ва ахлоқ // Фан ва турмуш, 2000, 3-сон.-Б.30-31.
3. Хидоятова Д. Ҳуқуқий онг деформациялари нима? // Ҳаёт ва қонун, 2001.-5-сон.- Б.29-30.
4. Сагдуллаева Д. Ахлоқ ва ҳуқуқий онг // Ҳаёт ва қонун, 2002, 3-4-сон.- Б.68-69.
5. Сагдуллаева Д. Ҳуқуқий камолот шарти // Ҳуқуқ ва бурч, 2006, 10-12-сон.- Б.27-28.

6.Сагдуллаева Д. Глобаллашув жараёнларида ахлоқ ва ҳуқуқнинг мувозанати масаласи // Глобаллашув ва ахборот хуружи (Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами).-Т., 2007. –Б.140-152.

7.Сагдуллаева Д. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни шакллантириш масалалари // “Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари” (Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари).-Т.:ТДПУ,2008.-Б.172-175.

8.Сагдуллаева Д. Ҳуқуқий онгнинг демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти куришдаги аҳамияти // Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни (Республика илмий-амалий анжуман материаллари).-Т.:ТДПУ,2008.-Б.152 .

9.Сагдуллаева Д. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш воситаси // Жамият ва бошқарув, 2009. -2-сон,-Б.54-56.

10.Сагдуллаева Д. Халқ ва ҳокимият бирлиги тимсоли // Тафаккур, 2009.-4-сон.- Б.83.

11.Сагдуллаева Д. Ш. Инсон ҳуқуқларининг таъминланиши – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тараққиётининг омили сифатида // Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ: фалсафий ва ҳуқуқий масалалари.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.- Б.26-29.

12.Сагдуллаева Д. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш - давр талаби// Фалсафа ва ҳуқуқ,2009. – Б.28-29.

13.Сагдуллаева Д.Ҳуқуқий маданият – ижтимоий фаоллик омили // Фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб масалалари.-Т.:Фалсафа ва ҳуқуқ институти,2010.-Б.82-83

**Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Сагдуллаева
Дилбар Шухратовнанинг 09.00.11 – ижтимоий фалсафа ихтисослиги
бўйича “Жамият демократлашуви шароитида фуқаролар ҳуқуқий
маданиятини такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари”
мавзусидаги диссертациясининг**

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг муҳим) сўзлар: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик, демократлашув, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти институтлари.

Тадқиқот объектлари: Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш масалалари.

Ишнинг мақсади: демократлашув шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш масалаларини концептуал-назарий, илмий-методологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш.

Тадқиқот методлари: қиёслаш, умумлаштириш, диалектик, тизимли таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, социологик сўров.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: демократлашиб бораётган суд-ҳуқуқ тизимида мувофиқ ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш масалалари илмий-методологик, ижтимоий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилди; фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг такомиллашуви ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигининг ўсиб бориши ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг демократик жараёнларнинг жадаллашувига таъсири масалалари ўрганиб чиқилди; сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари демократлашувининг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомил-лаштиришдаги аҳамияти асослаб берилди ҳамда таъсир этиш механизмлари аниқланди.

Амалий аҳамияти: ундаги хулосалардан, амалий таклиф-тавсиялардан Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, ижтимоий-сиёсий фанлар мазмунини такомиллаштиришда, Инсон ҳуқуқлари бўйича ЎзР Миллий Маркази, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ фикрини ўрганиш Маркази, “Камолот” ЁИХ, ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида кенг фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижалари муаллифнинг илмий-назарий анжуман, семинарларда ва педагогик фаолияти давомида қилган маърузаларида, умумий ҳажми 3 босма табоқдан ортиқ, нашр этилган ишларида ўз ифодасини топган.

Қўлланиш соҳаси: диссертация материалларидан, эришилган натижалардан илмий изланишларни олиб боришда, педагогик фаолиятда, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар, муассасалар, ижтимоий фалсафанинг методологик муаммолари билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Р Е З Ю М Е

диссертации Сагдуллаевой Дилбар Шухратовны на тему:
“Социально-философские основы совершенствования правовой культуры граждан в условиях демократизации общества” на соискание учёной степени кандидата философских наук по специальности 09.00.11- социальная философия

Ключевые слова: правовое сознание, правовая культура, правовая грамотность, демократизация, правовое государство, институты гражданского общества.

Объекты исследования: вопросы совершенствования правовой культуры граждан, в условиях обновления государственного управления и демократизации страны.

Цель работы: изучение вопросов совершенствования правовой культуры граждан в условиях обновления общества и демократизации страны с концептуально-теоретической, научно-методологической точки зрения.

Методы исследования: сравнение, обобщение, диалектический, системно-функциональный подход, анализ и синтез, индукция и дедукция, социологический опрос.

Полученные результаты и их новизна: с научно-методологической точки зрения изучены вопросы совершенствования правовой культуры в условиях либерализации судебной-правовой системы; проанализирована диалектическая взаимосвязь понятий правовое сознание, правовая культура, правовая активность и исследовано их влияние на активизацию процессов демократизации общества; обосновано значение дальнейшей демократизации деятельности политических партий, общественных организаций, средств массовых информационных процессов совершенствования правовой культуры граждан и выявлены механизмы их влияния.

Практическая значимость: теоретические выводы и практические рекомендации могут быть использованы при совершенствовании содержания общественно-гуманитарных дисциплин ВУЗов, в деятельности Национального Центра по правам человека, Центра по изучению общественного мнения “Ижтимоий фикр”, общественного молодёжного движения «Камолот», институтов гражданского общества.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные положения диссертации изложены автором в докладах на научно-теоретических конференциях, использованы им в педагогической деятельности и получили отражение в опубликованных научных работах диссертанта общим объёмом более 3 печатных листов.

Область применения: материалы диссертации могут быть использованы в научных исследованиях, педагогической деятельности, в работе организаций, занимающихся вопросами совершенствования правовой культуры граждан.

RESUME

Thesis of Dilbar Shuxratovna Sagdullayeva on the scientific degree competition of the candidate of sciences in philosophy on speciality 09.00.11 - social philosophy subject: “Socially-philosophical bases of legal culture improvement of citizens in the conditions of society democratization”

Key words: legal consciousness, legal culture, democratization, lawful state, law domination, politic-legal activity, institutes of civil society.

Subjects of research: problems of legal culture improvement of citizens serving as an efficiency basis of process for increasing politic-legal culture and activity of citizens in the conditions of society updating and democratization.

Purpose of work: to study problems of legal culture improvement of citizens in the conditions of society updating and democratization of the country from the scientific-methodological and social-practical point of view.

Methods of research : comparison, generalization, dialectic, system and functional approach, analysis and synthesis, induction and deduction, social interrogation.

The results obtained and their novelty: concepts of legal culture formation of citizens are investigated, their philosophical and methodological value for science and social practice development is proved; problems of legal culture improvement in the conditions of judicial-legal system liberalization are studied from the scientific-methodological point of view; the dialectic interrelation of concepts legal consciousness, legal culture, legal activity is analyzed and their influence on processes activation of society democratization is investigated; value of the further democratization activity of political parties, mass-media, self-government institutions on processes of legal culture improvement of citizens is proved and mechanisms of their influence are revealed; problems of legal culture improvement of citizens in the conditions of updating and the further democratization of the country are investigated, and also practical recommendations about their solutions are developed.

Practical value: theoretical conclusions and practical recommendations represent the certain contribution into development and solution of some methodological problems of legal culture improvement of citizens, used in the activities of the National Center of human rights, social youth organization “Kamolot”, non-government organizations and communities.

Degree of embed and economic effectivity: the basic ideas of the dissertation are started in the reports and at scientific-theoretical conferences, seminars, and also used in pedagogical activity. Summaries and results are reflected in published scientific works total including 3 typing pages.

Field of application: materials of dissertations can be used in scientific researches, pedagogical activities, in process of organizations work which are involved in matters of legal culture improvement of citizens.